

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ
СОҲАСИДА МАВЖУД ҚОНУНИЙЛИК ҲОЛАТИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
ҲАМДА МАЗКУР СОҲАДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

Паттиев Анваржон Абдумухтор ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

E-mail: Anvarjon1982@gmail.com

MAQOLA MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 21.12.2025

Revised: 22.12.2025

Accepted: 23.12.2025

KALIT SO'ZLAR:

*прокурор назорати,
қонунчилик, самарадорлик,
электр энергияси, ҳуқуқий
асослар*

Мазкур мақолада электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни етказиб берилишига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, тадқиқот жараёнида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни етказиб берилишига оид қонунчилик ижроси устидан назоратнинг ҳуқуқий асослари, энергетика соҳасида қонунийлик аҳволи, илгор хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда ушбу назорат йўналишида назорат самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон энергетика тармоғи мамлакат иқтисодий тараққиётида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмолчиларга тақдим этиш жараёнлари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар энергетик хавфсизликни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва аҳоли учун барқарор электр таъминотини ташкил этишни мақсад қилади.

Хусусан, Миллий Статистика агентлиги ҳисоботларига кўра, Ўзбекистон энергетика сектори 2024 йилда 81,29 млрд кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқарган. Шундан йирик корхоналар (йирик электр станциялар) 2024 йилда 70,78 млрд кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқариб, бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 8,1%га камайган.

Айни пайтда, кичик электр станциялари томонидан 2023 йилда 625,4 млн кВт·соат бўлган ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йилда 10,51 млрд кВт·соатга ошган.

Таъкидлаш лозимки, 2024 йилда мамлакатда электр энергияси экспортидан тушган даромад 115,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 51,3% га ошган.

2025 йил бошидан (январь–сентябрь) давомида мамлакатда 62,54 млрд кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 2024 йилнинг шу даврига нисбатан 3.8%га ошган. Бироқ, мазкур даврда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқариш 53,41 млрддан 45.10 млрд кВт·соатга тушган (15,6%га камайган).

2025 йилда (январь–август ойларида) фақат фотоэлектрик ва шамол тарихли (solar + wind) станциялар томонидан 7 млрддан ортиқ кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Шу тартибда, 2025 йилда қайта тикланадиган энергия манбалари (гидро, шамол, қуёш) умумий ишлаб чиқаришда 21–22% атрофида уллушга эга бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 112 та электр станцияси фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, уларнинг умумий электр қуввати 24,063 МВт. Ҳукумат режасига кўра истиқболда, яъни 2030 йилгача ўрнатилган қувватни 51.6 ГВт.гача етказиш режалаштирилган.

Маълумки, мустақиллик йилларидан ҳозирги кунгача юртимизда энергетика соҳасини ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилинишини олдини олиш, мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали бозор механизмларини жорий этиш борасида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Биргина мисол, ўтган йиллар давомида энергетика соҳасини ривожлантиришга оид 700 дан ортиқ (жумладан электр соҳасида 200 дан ортиқ) қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ҳам соҳани мамлакат иқтисодиётининг стратегик жиҳатдан нақадар долзарб тармоғи эканлигидан яққол далолат беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат, хусусан:

✓ энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда энергиядан самарали ҳамда хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

✓ энергияни тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этишни рағбатлантириш;

✓ ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилишини йўлга қўйиш ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилишнинг мақбул йўллари ва усуллари белгилаш;

✓ ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни таъминлашда замонавий бошқарув усуллари қўллаш;

✓ энергияни тежовчи замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар, ўлчов воситалари ҳамда самарали назорат тизимлари жорий этилишини рағбатлантириш;

✓ ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва истеъмол қилувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

✓ энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги фундаментал, илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

✓ қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва истеъмолга кенг жорий этиш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш;

✓ энергетика хизматлари бозорини ривожлантириш, мазкур йўналишда давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторнинг иштирокини янада кенгайтириш;

✓ ҳудудларда энергия самарадорлигини ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун молиявий ва фискал механизмларни, рағбатлантириш шакллари жорий этиш.

Барчага маълумки, ҳозирда соҳада Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиб, бугунги кунгача вазирлик бир қатор ташкилий ўзгаришларни бошдан ўтказган.

Жумладан, Ўзбекистон ССЖ Президентининг 28.09.1990 йилдаги “Ўзбекистон ССЖ энергетика ва электрлаштириш вазирлигини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-57-сонли Фармони билан “Ўзбекэнерго” ИЧБ ва “Ўзбекгидроэнергострой” ДҚМТ негизида Ўзбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ташкил этилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.02.2001 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПФ-2812-сонли Фармони билан ушбу вазирлик тугатилиб, унинг таркибий бўлинмалари негизида “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилган.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.02.2019 йилдаги “Ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5646-сонли Фармони билан энергетика тармоғини самарали бошқариш тизимини жорий қилиш ва жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

➤ Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан

барқарор таъминлашга, тикланадиган энергия манбаларини кенг тараққий эттириш ва ривожлантиришга қаратилган ёқилғи-энергетика соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➤ электр ва иссиқлик энергияси, кўмирни ишлаб чиқариш, ташиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, шунингдек, нефть, газ ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини қазиб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ва фойдаланишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш;

➤ республикада энергетика соҳасини ягона норматив-ҳуқуқий ва техникавий тартибга солиш;

➤ ёқилғи-энергетика комплексини стратегик режалаштириш ва ривожлантиришнинг мувозанатланган тизимини яратиш ва ривожлантириш, энергия ресурслари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини, барча турдаги энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш, шунингдек, энергетика тармоғини комплекс ривожлантиришнинг мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

➤ давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, энергия ресурслари бозорида қулай рақобат ва ишчанлик муҳити шаклланишини рағбатлантирувчи тариф сиёсатини такомиллаштириш ҳисобига ёқилғи-энергетика тармоғида инвестицион жозибadorликни ошириш;

➤ ёқилғи-энергетика соҳасида инвестицион лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, энергия ресурсларини қазиб чиқариш ва ишлаб чиқариш жараёнларига хусусий капитални фаол жалб қилиш, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар, банклар ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қуйиш;

➤ энергетика соҳасида замонавий корпоратив бошқарувни, илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини, бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайитириш учун ҳисоб ва назоратни, энергетика тармоғи ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятининг шаффофлигини жорий этишга кўмаклашиш;

➤ нефть-газ ва электр энергетика соҳаси ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологиялар жорий қилинишини рағбатлантириш, энергия самарадорлиги ва энергия ресурсларини тежаш даражасини ошириш;

➤ энергетика соҳасида муҳандис-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкиллаштириш;

➤ энергиянинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

➤ давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия тежайдиган, ундан самарали фойдаланадиган технологияларни жорий этиш, шунингдек, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш мониторингини юритиш;

➤ электр станцияларини қуриш, энергетика ва республика истеъмолчиларининг энергия таъминоти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш (электр энергияси ва бошқалар);

➤ иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, энергия тежовчи илғор технологиялар фаол жорий этилишини рағбатлантириш;

➤ энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

➤ давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, энергия ресурсларини сарфлаш самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;

➤ халқаро тажрибани ҳисобга олиб ва зарур бўлганда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, энергетика аудити соҳасидаги мутахассислар ва энергетика хизматларини етказиб берувчилар малакасини ошириш учун тренинглار ташкил этиш;

➤ энергия аудиторлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчилари мажбурий энергетик текширувдан ўтказилиши ва тегишли тавсиялар бажарилишининг мониторингини, шунингдек, энергия сервис компаниялари фаолияти мониторингини амалга ошириш.

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

атроф-муҳитга салбий таъсирни ва иссиқхона газлари ҳажмини камайтириш, хавфсизликни таъминлаш чораларига мувофиқ электр энергетикаси соҳасини барқарор ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш;

ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва барқарор ишлашига, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган таъминот хавфсизлигини таъминлаш;

ягона электр энергетикаси тизимига уланиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

рақобатбардошликни, шаффофликни ва камситишга йўл қўймасликни таъминлаш;

электр энергетикаси соҳасини босқичма-босқич субсидиялашдан ва ўзаро кесишма субсидиялашдан чиқариш;

электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш бўйича фаолиятнинг электр энергетикаси соҳасидаги бошқа фаолият турларидан ҳамда улар билан боғлиқ бўлган манфаатлардан мустақиллигини таъминлаш;

электр энергетикаси соҳасида энергия жиҳатидан самарадор технологиялардан ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш;

бошқа давлатлар энергетикаси тизимларини боғловчи электр узатиш тармоқлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида улар билан электр энергиясини алмашишни қўллаб-қувватлаш;

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Электр энергияси етказиб бериш ташкилотлари ҳақида сўз кетганда, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унга мансуб ташкилотлар муҳим роль ўйнайди.

Худудий электр тармоқлари филиал ва корхоналарининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

- ускуналарни, электр узатиш тармоқларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида носозликларни бартараф этиш;

- электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

- истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш;

- жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда ўз вақтида хабар қилиш;

- Ўзэнергоинспекциянинг кўрсатмаларига мувофиқ истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилишини қисман ёки тўлиқ тўхтатиб қўйиш;

- истеъмолчиларнинг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотида бошқа қоида бузилишлар тўғрисидаги аризаларини истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай кўриб чиқиш, ушбу қоида бузилишларини бартараф этиш ва истеъмолчиларга белгиланган тартибга мувофиқ батафсил жавоб юбориш;

- Ўзэнергоинспекцияга қонунбузилиши тўғрисидаги далолатномалари бўйича ундирилган тўловлар тўғрисида маълумотни ҳар ойда тақдим этиб бориш;

• ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик сарфларини қисқартириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

• электр энергиясининг электр тармоқлари мансублик чегарасида ҳисобга олинмаган истеъмолини аниқлаш;

• ҳар ойда бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган энергия ресурслари ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасида тафовут мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни расмийлаштириш ҳамда Ўзэнергоинспекцияга тақдим қилиш;

• истеъмолчиларнинг электр тармоқлари ва қурилмаларини ўз ҳудудий электр тармоқларига улаш юзасидан техник шартлар бериш;

• истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

• юридик шахс ҳисобланган истеъмолчилардаги муддати ўтган дебитор қарздорликларни камайтириш юзасидан тегишли чоралар кўриш;

• келгуси йил учун электр энергияси истеъмоли миқдорларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишиш;

• истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларини белгиланган тартибда ўз вақтида қиёсловдан ўтказиш ва бошқалардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунб.
5. Ўзбекистон Республикаси “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.